

КАСБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Рўзикулов Тўйчи Файзуллаевич

1-сон Республика Абу Али Ибн

Сино номидаги жамоат саломатлиги

техникуми ўқув ишлар бўйича директор ўринбосари

Аннотация

Мазкур илмий мақолада касбий таълим тизимида компетенциявий ёндашувни жорий этишнинг илмий-педагогик асослари, унинг мазмун-моҳияти, таълим сифатини оширишдаги ўрни ҳамда замонавий меҳнат бозори талаблари билан узвий боғлиқ жиҳатлари атрофлича таҳлил этилган. Шунингдек, компетенциявий ёндашув асосида ўқув жараёнини ташкил этишнинг дидактик шартлари, педагогик механизмлари ва амалий аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: касбий таълим, компетенция, компетенциявий ёндашув, таълим сифати, меҳнат бозори, касбий тайёргарлик.

Глобаллашув ва рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда меҳнат бозори касбий таълим тизими олдида мутлақо янги талабларни қўймоқда. Бугунги кунда фақат назарий билимларга эга бўлган мутахассис эмас, балки билим, кўникма ва малакаларни амалий фаолиятда самарали қўллаш оладиган, мустақил қарор қабул қилиш қобилиятига эга, рақобатбардош кадрларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, касбий таълим тизимида компетенциявий ёндашувни жорий этиш долзарб илмий-педагогик масала сифатида намоён бўлмоқда. Компетенциявий ёндашув таълим натижаларини фақат билимлар ҳажми билан эмас, балки таълим олувчининг касбий ва ижтимоий фаолиятда муваффақиятли ҳаракат қила олиш қобилияти билан баҳолашни назарда тутди.

Ҳозирги вақтда янги технологиялар, рақамлаштириш ва сунъий интеллект таъсирида дунёда иш ўринларининг сони, шакли ва мазмуни кескин ўзгармоқда. Яқин беш йилда мавжуд касбларнинг 30 фоизи тўлиқ автоматлаштирилади, 50 фоизи бўйича эса янги малакалар талаб қилинади. Бу жараёнлар бизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Саноатда – автоматлашган линиялар, аграр соҳада – ақлли технологиялар, транспортда – интеллектуал бошқарув кундалик ҳодисага айланиб бормоқда. Энди мамлакатимизнинг меҳнат бозори мутлақо янги архитектура асосида – касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирадиган ягона механизм сифатида ишлаши зарур¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “Менинг ниятим – ёшларимиз талаб юқори бўлган касблар бўйича дунёда рақобатдош бўлсин, керак бўлса, бошқалардан бир поғона устун турсин. Ушбу мақсадга эришиш йўлида касбий таълимнинг энг муҳим бўғини бўлган техникумларни янги сифат босқичига олиб чиқамиз. Бунинг учун, 2026 йилдан бошлаб, ҳар йили камида 100 тадан техникумни тўлиқ таъмирлаб, технологик ва талаб юқори бўлган касбларга мос ҳолда жиҳозлаб борамиз. Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой, Корея каби давлатларнинг илғор таълим дастурлари жорий қилинган техникумлар сонини 100 тага етказамиз.” Дея таъкидлаши ҳам бежизга эмас албатта.

Педагогик адабиётларда “компетенция” тушунчаси шахснинг муайян фаолият соҳасида самарали иш олиб боришини таъминлайдиган билим, кўникма, малака, тажриба ва шахсий сифатлар мажмуаси сифатида талқин этилади. “Компетентлик” эса ушбу компетенцияларнинг шахс фаолиятида амалий намоён бўлиши билан ифодаланади.

Компетенциявий ёндашувнинг илмий моҳияти қуйидагиларда намоён бўлади:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/8834>

- таълим натижаларини аниқ компетенциялар орқали белгилаш;
- назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- таълим олувчининг шахсий ривожланишини устувор қўйиш;
- мустақил фикрлаш ва касбий муаммоларни ҳал этиш қобилиятини

шакллантириш.

Касбий таълим тизимида компетенциявий ёндашув:

- таълим мазмунини меҳнат бозори талабларига мослаштиради;
- битирувчиларнинг касбий мослашувчанлигини оширади;
- амалий кўникма ва малакаларнинг устувор ривожланишини

таъминлайди;

- иш берувчилар талаб қиладиган реал касбий сифатларни

шакллантиради.

Бу ёндашув асосида ўқув режалари, фан дастурлари ва таълим технологиялари қайта кўриб чиқилиб, натижага йўналтирилган таълим тизими яратилади.

Компетенциявий ёндашувни жорий этиш қуйидаги илмий-педагогик асосларга таянади:

1. Шахсга йўналтирилган таълим ғояси – таълим марказида ўқувчи шахси туриши.
2. Фаолиятли ёндашув – билимларни амалиёт орқали ўзлаштириш.
3. Интегратив ёндашув – фанлараро боғлиқликни таъминлаш.
4. Натижага йўналтирилган таълим – таълим самарасини аниқ компетенциялар орқали баҳолаш.

Ушбу асослар компетенциявий таълим моделининг педагогик пойдеворини ташкил этади.

Касбий таълим тизимида компетенциявий ёндашувни самарали жорий этиш учун қуйидаги механизмлар муҳим аҳамиятга эга:

- ўқув дастурларини компетенциялар асосида лойиҳалаш;
- интерактив ва амалий таълим усулларини қўллаш;

- дуал таълим ва ишлаб чиқариш амалиётини кучайтириш;
- баҳолаш тизимини компетенцияларга асослаш;
- педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ошириш.

Компетенциявий ёндашув:

- ишсизлик даражасини камайитиришга;
- касбий таълим битирувчиларининг бандлигини оширишга;
- иқтисодиёт тармоқлари учун рақобатбардош кадрлар тайёрлашга;
- таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлашга хизмат

қилади.

Бу эса касбий таълим тизимининг жамият ва иқтисодиёт ривожига ролини янада оширади.

Хулоса қилиб айтганда, касбий таълим тизимида компетенциявий ёндашувни жорий этиш замонавий таълим тараққиётининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу ёндашув таълим жараёнини фақат билимларни ўзлаштириш билан чекламай, балки таълим олувчиларда касбий фаолиятда зарур бўлган амалий кўникма, малака, мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш ва ижтимоий мослашув қобилиятларини шакллантиришга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Тадқиқот жараёнида компетенция ва компетентлик тушунчаларининг илмий-педагогик моҳияти очиб берилди ҳамда компетенциявий ёндашув шахсга йўналтирилган, фаолиятли ва натижага қаратилган таълим ғоялари билан узвий боғлиқ экани асосланди. Касбий таълим тизимида мазкур ёндашувни қўллаш таълим мазмунини меҳнат бозори талабларига мувофиқлаштириш, битирувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва уларнинг касбий мослашувчанлигини таъминлашга хизмат қилиши аниқланди.

Шунингдек, компетенциявий ёндашувни жорий этишнинг илмий-педагогик асослари сифатида таълим жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, фанлараро интеграцияни кучайтириш, интерактив таълим технологияларидан самарали фойдаланиш ҳамда баҳолаш тизимини

компетенциялар асосида такомиллаштириш зарурлиги кўрсатиб берилди. Бу жараёнда педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ошириш ҳам муҳим омил сифатида эътироф этилди.

Умуман олганда, компетенциявий ёндашув касбий таълим тизимини модернизация қилиш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари учун рақобатбардош, ижтимоий фаол ва касбий жиҳатдан тайёр мутахассислар тайёрлашнинг мустаҳкам илмий-педагогик асоси ҳисобланади. Касбий таълимда компетенциявий ёндашувни амалиётга жорий этиш ҳолати ва унинг самарадорлигини эмпирик таҳлил қилиш учун назарий замин бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси.
<https://president.uz/uz/lists/view/8834>
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. – Тошкент, 2020.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5812-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – Тошкент, 2022.
6. Зеер Э.Ф. **Компетентностный подход в профессиональном образовании.** – Москва: Академия, 2019.
7. Хуторской А.В. **Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированного образования.** – Москва, 2018.
8. Байденко В.И. **Компетенции в профессиональном образовании.** – Москва: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2017.

9. Вербицкий А.А. **Контекстное обучение в системе профессионального образования.** – Москва, 2016.

10. Абдуллаева Ш.Р. **Касбий таълим педагогикаси.** – Тошкент: Fan va texnologiya, 2020.